



**ЮНЕСКОНИНГ “НОМОДДИЙ МАДАНИЙ
МЕРОСНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ
КОНВЕНЦИЯНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ,
“БУТУНЖАҲОН МАДАНИЙ ВА ТАБИЙ
МЕРОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
КОНВЕНЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ВА БУХОРО
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 93 ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН “МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ
МАДАНИЙ МЕРОС УЙҒУНЛИГИ” МАВЗУСИДА
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ**

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ
2023 йил 9 сентябрь





**“УМРБОҚИЙ МЕРОС” ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САЊАТИ ТАРҒИБОТ
МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

**ЮНЕСКОНИНГ “НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ
КОНВЕНЦИЯНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ, “БУТУНЖАҲОН
МАДАНИЙ ВА ТАБИЙ МЕРОСИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ КОНВЕНЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ВА
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 93
ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН “МОДДИЙ ВА
НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС УЙҒУНЛИГИ”
МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**«Дурдона» нашриёти
Бухоро – 2023**

“Моддий ва номоддий маданий мерос уйғунлиги” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. «Дурдона» нашриёти. Бухоро – 2023. - 280 бет

Масъул муҳаррир:

Дармоной Ўраева – филология фанлари доктори, профессор

Таҳрир ҳайъати:

Л.Х.Мирзаева, М.Б. Аҳмедова, З.Р. Собирова, Р.Р.Касимова, М.Ж. Чориева

Тақризчилар:

Нозимжон Бобожонович Атабоев – филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Жўраева Малоҳат Муҳамадовна - филология фанлари доктори, профессор

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Л.Х. Мирзаева- “Умрбоқий мерос” тарғибот маркази директори

М.Б.Аҳмедова- Инглиз адабиётшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.ф.д.

Ушбу тўпламда жамланган мақолалар номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияни амалга оширишдаги муаммолар, бутунжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияни амалга оширишдаги муаммолар, моддий ва номоддий меросни муҳофаза қилиш дастурларида интеграциялашган ёндашув, моддий ва номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, асраш ва тарғиб қилишда жамоат ташкилотларининг ўрни, Ўзбекистонда маданий мерос объектларини ўрганиш тарихи, педагогик ёндашувлар ва жаҳон тажрибасини оммалаштириш масалалари доирасида мутахассисларнинг тажриба ва фикр алмашинувини таъминлашга хизмат қилади.

Мемориальный комплекс «Туран Замин». план-: (автор) 1-композиция «Афрасиаб»-;2-3.Бронзовые Всадницы «Маликаи Турандот»-;4-Фонтан цвето-музыкальный-;5-6.Озеленение. -;7-Музей «АЛП ЭР ТУНГА»

Использованная литература:

1. «Истории Узбекской ССР» 1989)
2. Михаил Никифорович Полторанин
3. Фирдоуси, - Шахнаме т.5,с.235 -418
4. Э.Ртвеладзе («Великий Шелковый Путь» Ташкент 2003)
5. Археолого-топографический комментарий Е. Г. Некрасовой. — Ташкент:
6. SMIASIA, МИЦАИ, 2010. 608 с.Стр.480-481
7. Validi,1932,р. (852 – 854).
8. «История Бухары» Мухаммада ибн Джаъфара анНаршахии

**Зилола Тўқсанова,
Бухоро давлат университети
Физика кафедраси ўқитувчиси**

МАТЕМАТИКЛАР УЧУН ЭТАЛОН БЎЛГАН ОБИДА

Шарқда IX-XII асрларда рўй берган биринчи ренессанс табиий, аниқ, ижтимоий, фалсафий, тиббий фанлар юксак даражада тараққий этгани билан тарихга муҳрланди. Илм-фаннинг кўпгина номаълум кашфиётлари, мислсиз ихтиролари, оламшумул янгиликлари амалга оширилдики, бу кейинги асрлар фан тараққиёти учун муҳим пойдевор бўлди. Мазкур даврда Бухоро Сомонийлар даврининг гуллаб-яшнаган, илму ирфон пойтахти сифатида танилган эди. Ибн Сино, Фаробий, Дакикий, Рудакий, Хоразмий, Фарғоний, Беруний, ал-Киндийлар яшаб, ижод қилган ушбу давр барча соҳаларни тараққиётнинг чўққисига олиб чиқди. Худди шундай шаҳарсозлик, меъморчилик, бинокорлик ишларида улкан натижаларга эришилди. Ренессанс даврининг нодир архитектура ёдгорлиги саналган Сомонийлар мақбараси ҳам барча фанлар, математика, геометрия, астрономия, география, фалсафа, мусиқа, дин илмларини ўзида мужассам этгани билан аҳамиятли саналади. Минг йиллик тарихга эга ёдгорлик ханузгача аниқ фанлар соҳаси вакиллари, айниқса математикларни хайратга солиб келади. Хеч қандай техника, компьютер графикаси, ақлли ҳисоблагич, замонавий ускуналарсиз мақбаранинг аниқ ўлчамлари чиқарилгани ҳисоб илмининг тараққиётини намоён этади.

Исмоил Сомоний мақбараси IX-X асрлар, аниқроғи, X асрнинг иккинчи ярмида, бунёд этилган. Мақбара умумий ҳудуди 115,8 м² майдонни эгаллаган бўлиб, шундан 64,25 м² хажми, 55%и иншоотга тўғри келади. Иншоот конструкцияси асосан тўртбурчак, саккизбурчак ва гумбаз қисмларидан иборат. Бино пойдеворининг 1,9 м. ер остида, 2 м қисми ер устида жойлашган. Унча катта бўлмаган куб шаклида барпо этилган мақбаранинг баландлиги 10 м.ни ташкил этади. Мақбаранинг ички ва ташқи деворлари тўртбурчак ғиштдан жимжимадор қилиб терилгани мохир устанинг ғишт теришни сават тўқиш, тўқишдан нозик нақшлар ташкил қилиб билишини исбот қилган. Мақбара деворларида занжирсимон тизилган ғиштин ҳалқалар ҳам ана шу зар санъатнинг намуналаридир. Деворнинг қалинлиги 1,8 метр бўлиб, тарҳи ташқариси 10,80x10,70 метр, ичқариси эса 7,20x7,20 метрни ташкил этади. Мақбаранинг умумий оғирлиги 1257 тонна бўлиб, пойдевори 64,8 м² майдонда жойлашган. Гумбазининг қалинлиги пастки қисми 90 см.дан бошланиб, юқорига қараб ингичкалашиб боради ва 57 см.ни ташкил этади. Мақбара деворининг қалинлиги 3 метр. Математика ва геометриядаги бирор жиҳат, яъни, диаметр, радиус, горизонтал ва веритикал, паралел ва перпендекуляр ўлчамлар, бурчак, диагонал ва бошқалар эътибордан четда қолмаган.

Гумбаз атрофида тўртта кубба ўрнатилган бўлиб, у дунёнинг тўрт томонига

ишорадир. Ҳар бир томоннинг ўрта қисми аркалар (пештоқлар) билан кесилган, уларнинг бурчаклари кудратли ғишт устунлар билан мустаҳкамланган. Шунингдек, девор тепасининг ҳар бир томонида ўнтадан, жами қирқта дарича бўлиб, ундан кирадиган нур нафақат мақбара ичкарасини ёритган, балки бино тузилишига энгиллик ва қайишқоқликни бериб, мақбара ичида ўзига хос сеҳрли нур тарқатган.

Мақбара қурувчиларининг меъморчилик-конструктив режаси шундан иборатки, улар кубик ҳажмга эга бўлган ва гумбазли бино барпо этишни мақсад қилган. Буни эса уч босқичли конструктив тузилишга эга квадрат бинодан қаватли елканлар орқали гумбазга ўтиш орқали амалга оширганлар.

Обида шу даражада математик, астрономик аниқлик ва изчиллик асосида бунёд этилганки, ғиштлар жуда санъаткорона, текис ва залворли териблиб, тўғри ва параллел тушган. Ғиштларнинг девордан бир қадар чиқиб туриши латиф сояли чизиқларни ҳосил қилишга хизмат қилган. Шунингдек, қуёш нурию ой шуласининг бинога таъсири уни куннинг етти маҳалида турли кўринишларда жилолантиради.

Мақбарада қурилишнинг гармония усули муваффақиятли амалга ошган. Абу Наср Фаробий гармония бўйича асарларида кўп маълумотларни келтириб ўтади. Геометрик гармония объект муҳитини ташкил этиш, тектоник тузилмаларни тартибга солиш, структуранинг фойдалиги ва мустаҳкамлиги билан боғлиқ бўлиб, унинг ёрдамида чиройли шакллар яратиш, архитектура шаклини ўзгартириш мумкин. Гармония ғояси пропорционалик, аниқ ўлчамлилик, мувозанат, аниқ фанлар ва санъат – математика, астрономия, механика, тиббиёт, архитектура, безак ва мусиқа билан бевосита боғлиқ.

Иншоотнинг ўлчамлари аниқ тарзда ишлаб чиқилган. Математик аниқликлар асосида мопреч, зигзаг, квадрат, кубик ораментлари ҳосил қилинган. Мақбара қурилишида асосий безак тўртбурчак тўр шаклидаги ғиштлар териб чиқилган. Мақбара безаклари 10 та алоҳида-алоҳида панелларга – А,Б,В,Г,Д,Е,Ж,З,И,К бўлинган.

Умуман олганда, ўрта асрларнинг нодир ва нозик архитектура ёдгорлиги саналган Сомонийлар мақбарасига барча фан вакиллари мурожаат этади. Уни турли фан нуқтаи назардан тадқиқ этиш мумкин. Бино шу даражада фанлараро тадқиқ объекти, уни ўрганганинг сари меъморчилик олами, санъати, фалсафаси, математик тафаккур дунёсига кириб бораверасан.

Сомонийлар мақбараси қурилишида азалдан халқимизда мавжуд “Етти ўлчаб бир кес”, “математика таваккалчиликни кечирмайди”, “ҳисобли дўст айрилмас” каби нақл ва ҳикматларга амал қилинган. Мақбаранинг ўн аср ўтсада барҳаёт яшаб келаётгани ҳам бунга ёрқин мисолдир.

**Ходжаева Санобар Насруллаевна –
“ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти,
ижтимоий гуманитар фанлар ва жисмоний маданият
кафедраси ассистенти, Бухоро шаҳри, Ўзбекистон.**

НАҚШБАНДИЙ ҚАДАМЖОСИНИНГ ДИНИЙ-МАДАНИЙ КОМПЛЕКС СИФАТИДА ТАЪМИРЛАНИШИ

Аннотация: Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маданий-маънавий меросимизни, тарихий меъморчилик обидаларини авайлаб – асраш, миллий – диний қадриятларимизни замонавий тараққиёт билан уйғунлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Мақолада мусулмон оламида катта обрўйга эга бўлган буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғлиқ муқаддас қадамжони таъмирлаш ва обод зиёратгоҳга айлантириш мақсадида амалга оширилган ишлар ёритилган.

Калит сўзлар: зиёратгоҳ, юбелей, меъморий комплекс, Меъмор” бирлашмаси, жамғарма, маҳсус баённома, қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш

RESTAVRATSION MUAMMOLAR.....	85
Ярашев Ф. С. КАТТАҚЎРФОН ШАХРИДАГИ XIX-XX АСР ҚАЛАНДАРХОНА МАСЖИДИ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	87
Бабаев Сухроб Туйғунович. ЭВОЛЮЦИЯ ПОДХОДОВ В СОХРАНЕНИЯ КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ БУХАРЫ.	90
Азалшоҳ Ҳазратович Ҳамроев. БУХОРО ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЗЕЙ.....	93
Akgün, Berrin. President of Balikesir Metropolitan City Council, Balikesir Metropolitan City Council, Balikesir, Turkey. THE ROLE OF CITY COUNCILS IN THE PROTECTION OF TANGIBLE AND INTANGIBLE CULTURAL HERITAGE: THE EXAMPLE OF BALIKESIR METROPOLITAN CITY COUNCIL.....	97
Григорьевых Юрий Ефимович, Толпышев Григорий Валерьевич. РЕКОНВЕРСИЯ МАТЕРИАЛЬНОГО ПРОМЫШЛЕННОГО НАСЛЕДИЯ МОЛОТОВСКОЙ ОБЛАСТИ В 1945 ГОДУ	100
Хамдамов Бехзод Хабибович. СОЦИОКУЛЬТУРНАЯ И НАУЧНАЯ СРЕДА МАВЕРАННАХРА И ИНДИИ В XVI-XVII вв	103
Наврўзова Гулчеҳра Неъматовна. ШОҲ НАҚШБАНД — НАҚШ БОҒЛОВЧИЛАР ПИРИ	106
Turdiyev Bekruz Sobirovich. STRATEGIES OF PRESERVATION OF CULTURAL AND HISTORICAL MONUMENTS IN UZBEKISTAN	108
Икрамов Комил Хамракулович. В АВЕСТЕ: О ТУРАНЕ ИЛИ 7000 ЛЕТ О НАШЕМ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ	110
Зилола Тўқсанова. МАТЕМАТИКЛАР УЧУН ЭТАЛОН БЎЛГАН ОБИДА	115
Ходжаева Санобар Насруллаевна. НАҚШБАНДИЙ ҚАДАМЖОСИНИНГ ДИНИЙ- МАДАНИЙ КОМПЛЕКС СИФАТИДА ТАЪМИРЛАНИШИ	116
Samadova Sarvinoz Samad qizi. LEGAL BASIS OF PROTECTION OF HISTORICAL AND CULTURAL MONUMENTS IN UZBEKISTAN	119
Yeliz TŪLŪBAŞ GÖKUÇ, Figen ALTINER. EVALUATION OF THE ANCIENT CITY OF OREN (ADRAMYTTEION) IN THE LIGHT OF SUSTAINABLE DESIGN PRINCIPLES..	121
III шўба. Моддий ва номоддий меросни муҳофаза қилиш дастурларида интеграциялашган ёндашув.....	127
Atusa Momeni. THE IMPORTANCE OF THE LINKAGE BETWEEN TANGIBLE AND INTANGIBLE CULTURAL HERITAGE IN THE PROCESS OF SAFEGUARDING SETTLEMENT MODELS AND GUARANTEEING THE SUBSISTENCE ECONOMY OF CULTURAL COMMUNITIES	127
SARUUL Arlsan. VISION AND INITIATIVES ON PROTECTION OF THE CULTURAL HERITAGE IN MONGOLIA.....	128
O‘rayeva Darmon Saidaxmedovna. ХИТОЙ, ЯПОН ВА О‘ЗБЕКЛАРДА “ШОУ MAROSIMI” GENEZISI VA FOLKLORI	136
Нодира Саидова Ғанишер қизи. МУҚОВА – МИЛЛИЙ МОДДИЙ МЕРОС МУҲОФАЗАСИДА ҚАДИМИЙ ИШОНЧЛИ ВОСИТА.....	139
Орипова Шоира кандидат мед наук. МИР СПАСУТ ВЕЧНЫЕ ЦЕННОСТИ.....	143
Манзила Қурбонова. БУХОРОЛИКЛАР ОШХОНАСИДА МИС АСБОБ-АНЖОМЛАР ЎРНИ.....	149
Ориф Қодиров. БОЗОР ШАРОИТИДА РИШТОН АНЪАНАВИЙ КУЛОЛЧИЛИГИ. АНЪАНАВИЙЛИК ВА ИННОВАЦИЯ.....	154
Қорёғди Жумаев. XIX АСР РИШТОН КУЛОЛЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИНИНГ М.С.КУЗНЕЦОВЛАР ХУСУСИЙ ЗАВОДИ ЧИННИ ВА ФАЯНС БУЮМЛАРИГА ТАЪСИРИ.....	155
Қадилов Ариф Махмудович, Қадилова Нозима Арифовна. УМРБОҚИЙ АНЪАНАЛАР ДАВОМЧИЛАРИ.....	157
Dr Gulra'no R. Orifjonova. THE ROLE OF ETHNOGRAPHIC MUSEUM IN THE	